

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

«БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ» КАФЕДРАСИ

«АУДИТ»

**ФАНИДАН МУСТАҚИЛ ИШЛАРНИ БАЖАРИШ БЎЙИЧА
УСЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР**

**5340600 – «Молия» таълим йўналиши учинчи босқич талабаларига
мўлжалланган**

САМАРҚАНД – 2010

Ҳ.Н.Мусаев. Аудит. Мустақил ишларни бажариш бўйича услубий кўрсатмалар. – Самарқанд, СамИСИ, 2010, 24 б.

Мазкур услубий иш «Аудит» фанидан талабаларнинг мустақил ишларини ташкил қилиш масалаларига бағишланган бўлиб Давлат таълим стандартлари ва фан дастури талаблари асосида тайёрланди. Ишда фан бўйича мустақил ишларнинг мазмуни, аҳамияти ва уларни бажариш бўйича услубий кўрсатмалар кенг ўрин олган.

Услубий кўрсатмалар 5340600 – «Молия» таълим йўналиши учинчи босқич талабаларига мўлжалланган. Ундан бошқа таълим йўналишлари талабалари ҳам фойдаланишлари мумкин.

Услубий кўрсатмаларни тайёрлашда бошқа фанлар бўйича ушбу масалага оид чоп этилган ишлардан фойдаланилди.

ТАҚРИЗЧИЛАР:

Д.Р.Рофеев - и.ф.н., доцент (СамИСИ)

А.И.Аликулов - и.ф.н., доцент (СамҚХИ)

«Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедрасининг 2010 йил 30 январдаги йиғилишида муҳокама қилинган ва маъқулланган (8-сонли баённома).

Институт ўқув – услубий кенгашининг 2010 йил _____ йиғилиши қарори билан чоп этишга тавсия этилган (____-сонли баённома).

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Ҳ.Н. Мусаев

**“Ўқиб ўрганилган ҳар бир ҳунар,
Ҳунармандга бир кун фойда келтирар.”**

Низомий Ганжавий

КИРИШ

Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти талабларига мос келадиган кадрлар сиёсати ишлаб чиқилган ва малакавий мутахассис-кадрлар тайёрлашнинг ҳуқуқий асослари яратилган. «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури», узлуксиз таълим стандартлари шулар жумласидандир. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ги қонунида: «Ушбу Қонун фуқароларга таълим, тарбия бериш, касб – ҳунар ўргатишнинг ҳуқуқий асосларини белгилайди ҳамда ҳар кимнинг билим олишдан иборат конституциявий ҳуқуқини таъминлашга қаратилган» деб эътироф этилган¹.

Бозор иқтисодиёти ва глобал молиявий инқироз мутахассис – кадрлар тайёрлашга янгича талаблар қўймоқда. Эндиликда, янги шароитга мос келадиган мутахассислар тайёрлаш муҳим вазифалардан бўлиб қолмоқда. Бугунги кунда иқтисодчилар, бухгалтерлар, молия ва банк ходимларига талаб тобора ошиб бормоқда. Корхона мулкани сақлашда, улардан самарали фойдаланишда, давлат бюджети даромадларини кўпайтиришда бухгалтерлар ва молиячилар муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Корхона тасарруфидаги барча маблағлар тўғри шаклланган ва қабул қилинган қонун – қоидаларга мос равишда фойдаланган бўлиши керак. Ушбу вазифаларнинг тўлиқ бажарилиши корхона бухгалтерларига, дахлсиз аудиторларга ва молия органларининг ходимларига бевосита боғлиқдир.

Жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини камайтириш, миллий иқтисодиётнинг изчил ўсишини таъминлаш барча мулкдаги хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятлари ва соҳа мутахассисларининг касбий маҳоратига бевосита боғлиқдир. Президентимиз Ислом Каримов эътироф этганларидек: «Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишда иқтисодиётимиздаги ҳар қайси субъектнинг имкон қадар кўпроқ манфаатдор бўлиши, ушбу дастур ижроси уларнинг ҳар бири учун энг муҳим ишга айланишини таъминлаш мақсадида қўшимча рағбатлантириш чораларини излаб топиш катта аҳамият касб этади»². Мамлакатимиз раҳбари 2010 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устувор вазифаларини эътироф этиб, шундай деган эдилар: “Давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини ва унинг мамлакатимиз иқтисодиётига таъсирини эътиборга олган ҳолда, банк-молия тизимининг барқарорлигини таъминлаш муҳим устувор вазифа бўлиб қолмоқда»³. Ушбу вазифаларнинг тўлақонли амалга оширилиши бўлғуси молия соҳаси мутахассисларнинг ўз

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Ўқонун, 1997 йил 29 август.

² Каримов И.А. Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. 36 б.

касбикорларини мукаммал билишлари, амалий фаолиятларида тўғри қарорлар қабул қилишларини тақозо қилади.

Олий ўқув юртларида таҳсил олаётган 5340600- «Молия» таълим йўналиши талабаларининг ўқув режасида “Аудит” фанини ўрганиш кўзда тутилган. Мазкур фан маърузалар, амалий машғулотлар ва талабаларнинг мустақил ишлари шаклида ташкил қилинади.

«Аудит» фанини ўқитиш технологияси таркибида талабаларнинг мустақил ишлари масаласи алоҳида ўрин тутати. «Мустақил иш муайян фандан ўқув дастурида белгиланган ҳамда талаба томонидан ўзлаштирилиши лозим бўлган билим, кўникма ва малаканинг маълум бир қисми бўлиб, ўқитувчи маслаҳати ва тавсиялари асосида аудиторияда ёки аудиториядан ташқарида бажарилади»¹. Талаба мустақил иш орқали ўзининг касбий маҳоратини оширади ва амалиётдаги фаолиятга мослашади.

Услубий ишда «Аудит» фанидан талабаларнинг мустақил ишларини ташкил қилиш, бажариш тартиби, назорати ва баҳоланиши масалаларининг методологик жиҳатлари ўз аксини топган. Услубий кўрсатмалар 5340600 – «Молия» таълим йўналиши талабаларига мўлжалланган. “Аудит” фанидан мазкур услубий кўрсатмаларни тайёрлашда олий таълим соҳасига оид меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатлардан ва муаллифнинг ушбу масала бўйича чоп этилган ишларидан фойдаланилди.

³ Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Президент Ислам Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. – “Халқ сўзи” 2010 йил 30 январ.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ЎМТВ Қайъати томонидан 2009 йил 21 февралдаги 2/7 – сонли Ҳарори билан тасдиқланган «Фаннинг ғуув – методик мажмуаси таркиби». – Т.: ЎзР. Олий ва ЎМТВ, 2009, 226.

I. «АУДИТ» ФАНИНИНГ МАЗМУНИ, АҲАМИЯТИ ВА ТАЛАБАЛАР КАСБИЙ МАҲОРАТИНИ ШАКЛЛАНИШИДА ТУТГАН ЎРНИ

Талабалар таълим босқичларида ўрганиладиган фанлар туфайли ижодкорлик ва ташаббускорлик ҳислатларига, касбий маҳорат ҳамда амалий кўникмаларга эга бўладилар. Ушбу жараён олий таълим муассасасида таҳсил олаётган талабаларда ўқитишнинг барча босқичларида содир бўлади. Олий ўқув юртларида 5340600 – «Молия» таълим йўналишининг учинчи босқич талабалари ўқув режасининг III – «Умумкасбий фанлар» қисми (блоки)да «Аудит» фанини ўрганадилар. Мазкур курснинг асосий мақсади талабаларга кўпмулкчилик шароитида аудитнинг мазмун-моҳиятини ўргатиш, унинг тафтишдан фарқи, корхона ва фирмаларнинг молиявий ҳисоботларидаги маълумотларнинг асосли ва ҳаққонийлигини текшириш усуллари билан яқиндан таништириш ҳамда хўжалик фаолиятини таҳлил қилиб маълум маслаҳатлар беришдан иборат.

Фаннинг асосий вазифалари талабаларга хўжалик юритувчи субъектларнинг узоқ ва қисқа муддатли активлари, мажбуриятлари, даромад ва харажатлари, сўнги молиявий натижалари ҳамда молиявий ҳисоботни аудит қилиш усуллари билан яқиндан таништириб, уларда етарли билим ҳамда амалий кўникмалар шакллантириш ва шу йул билан уларнинг касбий маҳоратларини оширишдан иборат.

Бакалаврлар даражасини олишга даъвогар бўлган «Молия» таълим йўналиши талабалари «Аудит» фанидан қуйидагиларни билишлари зарур:

- бозор иқтисодиёти ва глобал молиявий инқироз шароитида мулк шаклларининг ривожланиш қонуниятларини мукамал билиш;
- мулкларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнида назорат ва унинг ўтказилиш хусусиятларини билиш;
- аудиторлик текширувларининг бошқа назорат шакллари билан фарқи, устунликларини ажрата олиш;
- аудитни ташкил қилишнинг ҳуқуқий асосларини билиш, аудиторлар, уларнинг тафтишчилардан фарқи, аудит билан тафтиш ўртасидаги умумийлик ва тафовутларни ажрата олиш;
- аудиторларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва масъулиятларини билиш;
- аудиторлик текширувини ўтказиш тартиби, кетма-кетлигини билиш;
- хўжалик юритувчи субъектнинг маълумотлари, кўрсаткичларини текшириш натижасига асосан хулослар қилиш ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

«Аудит» фани Давлат таълим стандартларида кўзда тутилган бир қанча фанлар билан ўзаро боғлиқдир. Шу боис талабалар мазкур фанни ўрганишда қуйидаги фанларга ҳам эътибор беришлари керак: «Иқтисодиёт назарияси», «Статистика», «Маркетинг», «Менежмент», «Халқаро

иктисодий муносабатлар», «Макроиктисодиёт», Микроиктисодиёт», «Молиявий ва бошқарув ҳисоби», «Иқтисодий таҳлил», «Молия», «Пул, кредит ва банклар», «Кичик бизнес ва тадбиркорлик», “Суғурта иши” ва бошқа фанлар.

II. «АУДИТ» ФАНИНИ ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ ВА ТЕХНОЛОГИЯСИ

“Молия” таълим йўналишининг ўқув режаси ва фан дастурига асосан ўқитиш босқичларида аниқ фанлар маълум кетма – кетликда ўрганилади. Фанларни ўқитиш турлари ва шакллари қуйидагиларга бўлинади. Ўқитиш турлари:

- назарий билим бериш;
- амалий билим бериш;
- мустақил равишда таълим олиш.

Талабаларга назарий билим бериш фан мавзулари бўйича маърузалар орқали амалга оширилади. Маърузаларнинг мақсади ва вазифаси бўлгуси мутахассисларга назарий жиҳатдан билим бериш, мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимини топишдан иборат. Маърузаларда мазкур фаннинг сўнгги ютуқларидан кенг фойдаланилади.

Амалий машғулотлар назарий жиҳатдан олинган билимларни амалиётда қўллаш ва шу йўл билан амалий кўникмаларни шакллантиришга қаратилган. Амалий машғулотлар мавзу бўйича аниқ топшириқларни бажариш, хўжалик вазиятларни ҳал қилишга қаратилган бўлади.

Талабанинг мустақил равишда таълим олиши мустақил иш орқали амалга оширилади. Мустақил иш жараёнида фан мавзуларининг алоҳида масалалари талаба томонидан мустақил равишда ўрганилади.

Олий ўқув юртларида ўқув шакллари қуйидагиларга бўлинади:

- кундузги ўқув шакли (ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда);
- сиртқи ўқув шакли (ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда);
- масофавий ўқув шакли.

Ўқув шакллари қтаълим йўналишлари ва мутахассисликларнинг хусусиятларидан келиб чиқади.

«Молия» таълим йўналиши бўйича «Аудит» фанининг ҳажми ва таркиби қуйидаги мазмунга эга (1-жадвал):

1 – жадвал

«Аудит» фанининг ҳажми ва таркиби

№	Машғулот тури	Ажратилган соат	Семестр
1	Назарий (маърузалар)	20	III
2	Амалий машғулотлар	22	III
3	Мустақил иш	18	III

	Жами	60	
--	------	----	--

«Аудит» фанининг мавзулари куйидаги тартибда тақсимланган (2 – жадвал):

2 – жадвал

«Аудит» фанининг ўқитиш турлари бўйича мавзулари тақсимооти

№	Мавзу номи	Жами соат	Шундан		
			Маърузалар	Амалий машғулотлар	Мустақил иш
1	Аудитнинг предмети ва методи	6	2	2	2
2	Аудитнинг меъёрий – ҳукукий асослари ва ахборот таъминоти	5	2	2	1
3	Аудитни ташкил қилиш ва ўтказиш	6	2	2	2
4	Узоқ муддатли активларнинг аудити	6	2	2	2
5	Товар-моддий захираларнинг аудити	6	2	2	2
6	Пул маблағларининг аудити	6	2	2	2
7	Дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг аудити	6	2	2	2
8	Хусусий капиталнинг аудити	5	2	2	1
9	Даромадлар, харажатлар ва якуний молиявий натижаларнинг аудити	8	2	4	2
10	Аудиторлик текшируви натижаларининг кўриб чиқилиши ва тадбиқ этилиши	6	2	2	2
Жами		60	20	22	18

Ўқув жараёнида «Аудит» фанини ўрганиш талабаларнинг бевосита маърузаларда, амалий машғулотларда иштирок этишлари, мавзулар бўйича тавсия этилган саволларни мустақил ўрганишлари орқали амалга оширилади. Маъруза ва амалий машғулотларда суҳбатлар, долзарб масалаларда мунозаралар (дискуссиялар), савол – жавоблар ўтказилиб борилади, мавзулар бўйича кейслар бажарилади. Машғулотларни ўтказишда амалиёт маълумотларига асосан ўқитишнинг интерфаол шаклларида «Ақлий ҳужум», «Блиц-ўйин», «ФСМУ (Фикрлаш, сабабини баён этиш, мисоллар келтириш, умумлаштириш)» дан ҳамда бухгалтерия ҳисоби, аудит меъёрономаларидан, компьютер воситаларидан ва амалиёт маълумотларидан кенг фойдаланилади. Айрим мавзуларнинг мазмун – моҳияти интернет тармоғи орқали ўзлаштирилади.

Фан бўйича талабалар билимини назорат қилиш рейтинг тизими талаблари асосида амалга оширилади. Рейтинг шартларига асосан талабалар жорий назорат («ЖН»), оралиқ назорат («ОН») ва якуний назорат («ЯН») ларни топширадилар.

«Аудит» фанининг ўқитиш технологияси мазмунини қуйидагича ифодалаш мумкин (1 – чизма)¹:



1 – чизма. «Аудит» фанининг ўқитиш технологияси.

Мазкур ўқитиш технологияси таълим шакллари, таълим воситалари, назарий ва амалий машғулотлар ҳамда талабаларнинг мустақил ишларини ўз ичига олади. Назарий машғулотлар маърузалар шаклида олиб борилади. Унда талабалар аудитнинг назарий жиҳатлари, глобал молиявий инқирознинг салбий оқибатларини

¹ Намуна сифатида ЎзР Олий ва ЁМТВ нинг «Фаннинг ўлғув – методик мажмуаси» дан фойдаланилди. – Т.: ЎзР.Олий ва ЁМТВ, 2009, 37 б.

олдини олишдаги ўрни, корхоналарнинг кўрсаткичларини аудит қилиш услуги билан яқиндан танишадилар. Амалий машғулотларда мавзулар бўйича топшириқлар ва кейслар бажарилади. Мустақил ишда назарий ва амалий машғулотларга оид қўшимча вазифалар талабалар томонидан ўрганилади. Талабаларнинг билимлари назорат турлари бўйича баҳоланиб борилади.

III. ТАЛАБАЛАР МУСТАҚИЛ ИШЛАРИНИНГ МАЗМУНИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА АҲАМИЯТИ

Фанларни назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш жараёнида айрим масалалар талабалар томонидан мустақил равишда ўрганилади. Ушбу масала ёки саволнинг мазмуни ўрганилаётган фан, маърузаларнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқади. Талабаларнинг мустақил ишлари меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатлар, йўриқномаларни чуқур ўрганиш, назарий ва амалий машғулотларнинг айрим топшириқларини бажаришга қаратилган бўлади. Мустақил иш мазмуни алоҳида фан хусусиятидан келиб чиқади. Мисол учун, аудиторияда бажарилган ҳисоблаш ишларнинг маълум қисмини мустақил равишда бажариш, даромадлар, харажатлар ва фойда кўрсаткичларини мустақил равишда аниқлаш, чизмалар, жадвалларнинг шакллари мустақил тайёрлаш, ҳисоботлардаги кўрсаткичларни мустақил таҳлил қилиш, алоҳида мавзу ёки савол бўйича илмий ахборот (реферат)лар тайёрлаш ва бошқалар.

Талаба мустақил ишининг аҳамияти шундаки, назарий ва амалий жиҳатдан ўрганилган масалалар меъёрий ҳужжатлар ва бошқа қўшимча манбалар орқали чуқур ўрганилади, натижада талабалар мазкур фандан тўлиқ билимга эга бўладилар ва бўлғуси мутахассиснинг касбий маҳорати шаклланиб боради.

Талаба мустақил ишининг ташкилий шакллари ва вазифалари қуйидагилардан иборат¹:

Мустақил ишларнинг турлари ва шакллари:

- такрорлаш ва машқ қилиш – мавзу материалларини такрор-такрор ўқиб чиқиш, таҳлил қилиш, берилган топшириқларни (кейслар, масалалар, ҳўжалик ситуацияларини) мустақил ечиш ва қайта ишлаш, олинган билимларни мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш, амалий кўникма ҳосил қилиш ва маълум тажрибани (малакани) шакллантириш;
- янги билимларни мустақил ўзлаштириш – мавзу бўйича янги материалларни излаб топиш, конспектлаштириш, мустақил фикрларни шакллантириш;
- ижодий характердаги ишлар – мавзуга оид мунозарали жиҳатларни излаб топиш, улар бўйича олимлар фикрларини ўрганиш ва конспектлаштириш, талабалар илмий тўғарагида (анжуманида) чиқиш қилиш учун янгича фикр, ғоя ва усулларни ўзида мужассамлаштирган илмий реферат, мақола, маъруза матни тайёрлаш.

Мустақил ишларга қўйилган вазифалар:

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ЎМТВ нинг «Талаба мустақил ишини ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолаш тартиби тўғрисида намунавий Низом», 2005 йил 21 феврал.

- фан бўйича билимларни талаба томонидан мустақил равишда ўрганиш;
- қўшимча маълумотларни топишнинг қулай усул ва воситаларини аниқлаш;
- ахборот манбаларидан самарали фойдаланиш;
- илмий ва ўқув адабиётлар билан мустақил равишда ишлашга ўрганиш;
- меъёрий – ҳукуқий ҳужжатлар устида ишлаш;
- олинган маълумотларни таҳлил қилиш;
- топшириқларни бажаришда тизимли ва ижодий ёндошиш;
- янги ғояларни асослаш ва ҳимоя қилиш;
- электрон маълумотлардан самарали фойдалана олиш;
- тадқиқот натижалари бўйича илмий маърузалар қилиш ва ўз тавсияларини асослаш;
- ижод натижаларини амалиётга тадбиқ этиш.

IV. ТАЛАБА МУСТАҚИЛ ИШИНING ТАШКИЛИЙ ШАКЛЛАРИ

Талабанинг мустақил иши шакллари ўрганилаётган фанларнинг хусусиятларидан келиб чиқади. Мисол учун, гуманитар ва ижтимоий фанлар бўйича талабанинг мустақил иши кўпроқ классик манбаларни чуқур ўрганишга қаратилган бўлади, умумқасбий фанлар бўйича мазкур фанларнинг назарий жиҳатлари кўпроқ мустақил равишда ўрганилади. Ихтисослик фанларидан эса талабалар илмий ахборотлар (рефератлар), курс ва битирув малакавий ишларини мустақил равишда бажарадилар.

Меъёрий ҳужжатлар ва махсус адабиётларда талабаларнинг мустақил ишлари шакллари ва турлари қуйидагича ифодаланган¹:

- назарий масалаларни илмий манбалар ва махсус адабиётлардан мустақил равишда ўрганиш ва ўзлаштириш;
- семинар ва амалий машғулотларга мустақил равишда тайёргарлик кўриш;
- фан мавзуларининг долзарб масалаларида илмий ахборот (реферат)лар ёки илмий мақолалар тайёрлаш;
- мавзуларнинг саволлари бўйича ёзма жавоблар тайёрлаш;
- корхоналарнинг маълумотларини таҳлил қилиш;
- меъёрий – ҳукуқий ҳужжатларнинг (қонунлар, қарорлар, йўриқномалар) мазмунини чуқур ўрганиш;
- курс ишларини бажариш;
- амалиёт бўйича ҳисоботлар тайёрлаш;
- битирув малакавий ишини бажариш.

«Молия» таълим йўналишининг учинчи босқич талабалари «Аудит» фанидан асосан меъёрий – ҳукуқий ҳужжатларнинг мазмунини мустақил

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ЎМТВ нинг «Талаба мустақил ишини ташкил этиш, назорат этилиш ва баҳолаш тартиби тўғрисида намунавий Низом», 2005 йил 21 феврал.

равишда чуқур ўрганадилар, фан мавзулари бўйича ахборот (реферат)ларни тайёрлайдилар ва амалий машғулотларга тайёргарлик кўрадилар. Ушбу жараёнда қонунлар, қарорлар, маърузалар ва тарқатма материалларнинг мазмунидан кенг фойдаланилади.

V. «АУДИТ» ФАНИ БЎЙИЧА МУСТАҚИЛ ИШЛАРНИ БАЖАРИШНИНГ УСЛУБИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Талабаларнинг мустақил ишлари, уларга ажратилган вақт таълим йўналишининг намунавий ва ишчи ўқув режалари ҳамда фан дастурида ифодаланган бўлади. Ишчи ўқув дастурида ҳар бир мавзу бўйича мустақил ўрганишга мўлжалланган саволлар, уларни ўзлаштириш тартиби батафсил келтирилади. «Молия» таълим йўналиши талабалари «Аудит» фани бўйича талабалар мустақил иш жараёнида аудиторлик фаолиятининг меъёрий – ҳуқуқий асосларини ўрганадилар, тавсия этилган адабиётлар билан яқиндан танишадилар, алоҳида масалалар бўйича эса ёзма ахборот (реферат)лар тайёрлайдилар. Ушбу мақсадлар учун фан дастурида 18 соат вақт ажратилган.

“Аудит” фани мавзулари бўйича талабаларнинг мустақил ишларига ажратилган саволлар ва соатлар 3-жадвалда келтирилди.

3 – жадвал

«Аудит» фани бўйича мустақил ишга ажратилган саволлар ва уларга
ажратилган вақт

№	Мустақил ишга мўлжалланган саволларнинг мазмун	Ажратилган вақт (соат)
1	Аудитнинг келиб чиқиш сабаблари ва ривожлантирилиши	1
2	Аудиторлик фаолиятининг ҳуқуқий асослари	1
3	Аудиторлик касбига қўйиладиган талаблар	1
4	Аудиторлар, уларнинг ҳуқуқлари ва вазифалари	1
5	Аудиторлик ташкилотлари, уларнинг ҳуқуқлари ва вазифалари	1
6	Аудитнинг турлари	1
7	Ички аудиторлик хизматининг хусусиятлари	1
8	Аудиторлик текширувини ўтказиш тартиби ва кетма- кетлиги	1
9	Аудиторлик текшируви натижаларини умумлаштириш ва рассмийлаштириш	1
10	Асосий воситаларнинг қайта баҳоланишини текшириш	1
11	Асосий воситалар ва номоддий активлар эскиришининг аудити	1
12	Маҳсулот таннархининг аудити	1

13	Касса бўйича пул маблағлари инвентаризацияси натижаларининг аудити	1
14	Пул маблағлари бўйича ҳисоб регистрларини текшириш тартиби	1
15	Дебиторлик ва кредиторлик қарзларини аудит қилиш манбалари	1
16	Дебиторлик ва кредиторлик қарзларини молиявий ҳисобот маълумотлари бўйича текшириш	1
17	Хусусий капитални молиявий ҳисобот бўйича текшириш	1
18	Грантлар ва субсидиялар аудитининг ахборот манбалари	1
Жами		18

Талабалар мустақил ишга мўлжалланган саволларни қуйидаги тартибда ўрганадилар:

- мавзулар бўйича маърузаларнинг мазмунидан фойдаланилади;
- мустақил иш саволлари тавсия қилинган меъёрий ҳужжатлар ва махсус адабиётлар орқали ўзлаштирилади;
- назарий ва амалий машғулотларда мавзу бўйича берилган топшириқлар бажарилади;
- институт ахборот ресурс марказидаги манбалар орқали айрим савол (мавзу)нинг мазмуни ўрганилади;
- алоҳида мавзу ёки савол бўйича ёзма ахборот (реферат) тайёрланади;
- муаммоли масала (савол)ни ўзлаштириш учун ўқитувчидан маслаҳат (консультация) олинади;
- қўйилган топшириқнинг ечимини топиш учун маълумотлар таҳлил қилинади;
- мустақил иш учун мўлжалланган саволларга ёзма жавоблар тайёрланади;
- мустақил равишда жадваллар, чизмалар тайёрланади ва улар амалий машғулотларда фойдаланилади.

Талаба мустақил ишга тавсия этилган саволларни чуқур билиши учун, даставвал ушбу масаланинг назарий жиҳатларини махсус манбалардан мукамал ўрганиши керак бўлади. Мустақил иш бўйича ёзма ахборотлар (рефератлар) талабалар томонидан илмий раҳбар ёрдамида тайёрланади. Шу мақсадларда уларга илмий раҳбарлар тайинланади. Рефератларнинг мавзулари 1-иловада келтирилди.

Талабанинг илмий реферати режага асосан тайёрланиб ўртача 12-15 бет ҳажмида бўлиши мумкин.

Ишнинг кириш қисмида мавзу (масала)нинг аҳамияти, долзарблиги, мақсад ва вазифалари ёритилади. Кейинчалик, қўйилган саволларнинг мазмуни ифодаланади. Саволларни ёритишда талаба ўз фикр – мулоҳазаларини ва таклифларини беради. Ишнинг сўнгида фойдаланган адабиётлар иловалар келтирилади. Ёзма ахборот (реферат)нинг намунавий

режаси 2 – иловада келтирилди. Тайёрланган реферат қабул қилинган тартибда расмийлаштирилади ва илмий раҳбарга тақриз учун топширилади. Талабанинг мустақил равишда тайёрлаган ёзма ахбороти (реферати)ни расмийлаштириш тартиби 3-4 – иловаларда келтирилди. Илмий раҳбар ёзма иш билан яқиндан танишиб ўз фикр – мулоҳазаларини билдиради (тақриз ёзади). Реферат талаба томонидан ҳимоя қилинади. Ҳимоя натижалари фан рейтингига қўшилади.

VI. ТАЛАБАЛАР МУСТАҚИЛ ИШЛАРИНИНГ АХБОРОТ МАНБАЛАРИ

Талабаларнинг мустақил ишлари учун ахборот манбалари фан бўйича ишчи дастурда кўрсатилади. Ушбу манбалар фан хусусиятидан келиб чиқиб қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- фаннинг ишчи режаси;
- фаннинг ишчи дастури;
- мустақил иш учун тавсия қилинган саволлар;
- мустақил равишда бажариладиган ёзма ахборот (реферат)ларнинг мавзулари ёки саволлари;
- талабаларнинг мустақил ишларини бажариш бўйича услубий кўрсатмалар;
- меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатлар;
- ўқув адабиётлари;
- интернет маълумотлари;
- амалиёт маълумотлари.

Талабанинг мустақил иши учун асосий манба – бу ўқув адабиётлари ҳисобланади. Буларга фан бўйича дарсликлар, ўқув қўлланмалари, машқлар (масалалар) тўплами, маърузалар курси, маърузаларнинг матнлари, услубий қўлланмалар, изоҳли луғатлар, тест савол – жавоблари киради. Талабалар ушбу манбаларга эга бўлишлари ва самарали фойдаланишлари керак. Бугунги кунда фанларни чуқур ўрганишда электрон таълим ресурсларининг аҳамияти кескин ошиб бормоқда. Бу соҳада электрон дарсликлар, электрон ўқув қўлланмалари, виртуал лавҳалар (стендлар), ўқув фильмлари, интернет тармоғи маълумотларидан фойдаланиш катта самара келтиради. «Аудит» фанини ўрганишда Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги, «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонунлари, Молия вазирлигининг меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатларини ўрганиш ижобий натижалар беради. Талабаларнинг мустақил ишлари учун тавсия этилган меъёрий ҳужжатлар ва адабиётлар ишда келтирилди.

VII. ТАЛАБА МУСТАҚИЛ ИШИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ВА БАҲОЛАШНИНГ УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

Талаба мустақил ишини ташкил қилиш, бажарилишини таъминлаш фан бўйича маърузачи ва амалий машғулотларни олиб боровчи ўқитувчи

зиммасига юклатилган. Талабаларнинг курс ва битирув малакавий ишларига раҳбарлик қилиш бўйича ажратилган соатлар профессор – ўқитувчиларнинг ўқув юкламалари таркибида келтирилган бўлади.

Талабаларнинг мустақил ишларини назорат қилиш назарий ва амалий машғулотлар жараёнида ҳамда аудиториядан ташқари ҳолларда амалга оширилади.

Мустақил иш натижалари фаннинг жорий, оралик назорати таркибига киритилади ва рейтинг тизими орқали баҳоланади.

Талабаларнинг ёзма курс ва битирув малакавий ишлари тасдиқланган махсус комиссия иштирокида ҳимоя қилинади ва балл берилади (баҳоланади).

Талабаларнинг мустақил ишларини ташкил қилиш ва уларнинг бажарилишини таъминлаш масалалари гуруҳнинг ва кафедранинг йиғилишларида муҳокама қилиб борилади. Талабаларнинг мустақил равишда бажарган ёзма ишлари ўқув йили давомида кафедрада сақланади. Курс ишлари ҳамда битирув малакавий ишлари эса тегишли меъёрий ҳужжатлар талаблари асосида институт архивида сақланади.

Фанлардан мустақил ишларда фаол иштирок этган ва юқори баҳо (балл) олган талабалар моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилиб борилади.

ТАВСИЯ ЭТИЛГАН МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Т.: Ўзбекистон, 2008.
2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, (қўшимчалар ва ўзгаришлар билан), 2007 йил 24 декабр
3. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, Т.: 1997 йил 29 август.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури». Т.: 1997 йил 29 август.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни, Т.: 1996 йил 30 август.
6. Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни (кейинги ўзгаришлар билан). Т.: 2000 йил 26 май.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 4 апрелдаги қарори билан тасдиқланган «Аудиторлик ташкилотлари тўғрисидаги Низом».
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги қарори билан тасдиқланган «Қорхоналарда ички аудиторлик хизмати тўғрисидаги Низом».
9. Каримов И.А. Баркамол авлод- Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида 1997 йил 29 августдаги сўзлаган нутқи. – Қурбонов ва бошқалар. Баркамол авлод орзуси («Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»ни амалга ошириш борасидаги публистик мулоҳазалар). - Т.: «Шарқ» нашриёт - матбаа концерни, 1998.
10. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Президент Ислам Каримовнинг 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. – “Халқ сўзи” 2010 йил 30 январ.
11. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йулида. -Т.: «Ўзбекистон», 1995.
12. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. - Т.: «Маънавият», 2008.
13. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: «Ўзбекистон», 2009, 56 б.
14. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. – Т.: «Ўзбекистон», 1997.
15. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: «Ўзбекистон», 1998.
16. Арнес Э.А. , Лоббек Дж К. Аудит, Учебник. Перевод с английского. Главный редактор серии проф. Я.В. Соколов. М.: -Финансы и статистика, 1995. 250 с.

17. Аудит. Учебник для вузов/ В.И.Подольский, Г.Б.Поляк, А.А.Савин, Л.В.Сотников. Под редакцией профессора В.И.Подольского. М. Аудит, ЮНИТИ, 1997, -432с.
18. Дустмуродов Р.Д. Аудит асослари. Дарслик. -Т: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2003.
19. Дустмуродов Р.Д., Мусаев Ҳ.Н., Файзиев Ш.Н. ва бошқалар. Аудит. Ўқув қўлланма (1- қисм). – Т.: «Иқтисод молия», 2008, 176 б.
20. Дустмуродов Р.Д. Аудиторлик фаолияти мустақиллик даражасини аниқлаш ва қўллаш услуги. - Бозор, пул ва кредит, 2003, 1-сон, 40 б.
21. Қудратов Ғ.Ҳ., Мусаев Ҳ.Н. Туризм бизнеси учун рақобатбардош мутахассис кадрлар тайёрлаш масалалари, -Халқаро илмий – амалий конференция материаллари: «Проблемы образования и занятости молодежи», Самарқанд, СамИСИ, Менежментни ўқитиш Халқаро Маркази, 2007 йил 20-21 декабр.
22. Қурбонов Ж.М. Илмий изланиш асослари. Маъруза матнлари. Самарқанд, СамКИ, 2003.
23. Қурбонов Ж.М. Илмий ижод методологияси. Маъруза матнлари. Самарқанд, СамИСИ, 2005.
24. Мусаев Ҳ.Н. Аудит. Дарслик. – Т.: Молия, 2003.
25. Мусаев Ҳ.Н. Баркамол авлод – юрт келажаги. – «Халқ сўзи», 2010 йил 2 феврал.
26. Мусаев Ҳ.Н. Хизмат кўрсатиш ва сервис ривожини мутахассислар салоҳиятига ҳам боғлиқ. - «Халқ сўзи», 2006 йил 30 июнь.
27. Мусаев Ҳ.Н. Бозор иқтисодиёти шароитида бухгалтерия ҳисоби. - Бозор, пул ва кредит, 2005, №4. 54-56 бетлар.
28. Мусаев Ҳ.Н. Иқтисодий ислохотлар жараёнида аудит. - Бозор, пул ва кредит, 1998, №5 56-57 бетлар.
29. Мусаев Ҳ.Н. Малакали мутахассис кадрлар тайёрлашнинг ҳуқуқий ва иқтисодий асослари. – Халқаро илмий конференция материаллари: «Проблемы образования и занятости молодежи», Самарқанд, МЎХМ, 2009 йил 22 декабр, 147-150 бетлар.
30. Уразов К.Б. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит. Ўқув қўлланма. – Т.: Ўқитувчи, 2004.
31. Уразов К.Б. Худойбердиев Н.У. Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари. Маъруза матнлари. -СамИСИ, 2005-2009.
32. Уразов К.Б. Савдода бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш. -Т: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси», 2004.
33. Тўлахўжаева М.М. Ўзбекистон Республикасида молиявий назорат тизими. – Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси», 1998.
34. Темур тузуклари. – Т: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1996.
35. Ташназаров С.Н. Халқаро ҳисоб асослари. Ўқув қўлланма. СамИСИ, 2009.

ИЛОВАЛАР

1 - илова

«АУДИТ» ФАНИДАН ЁЗМА АХБОРОТ (РЕФЕРАТ) ЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН МАВЗУЛАР

1. Аудитнинг келиб чиқиш сабаблари ва ривожаланиш тарихи
2. Аудиторлик фаолиятининг ҳуқуқий асослари
3. Аудиторлик касбига қўйиладиган талаблар
4. Аудиторлар, уларнинг ҳуқуқлари ва вазифалари
5. Аудиторлик ташкилотлари, уларнинг вазифалари ва ташкил этилиши
6. Ташқи аудитнинг хусусиятлари
7. Ички аудиторлик хизматининг хусусиятлари
8. Аудитни ўтказиш тартиби, аудиторлик шартномаси ва дастури
9. Аудиторлик хатари ва исботи
10. Аудиторлик текшируви усуллари
11. Аудиторлик текшируви натижаларини умумлаштириш ва
рассмийлаштириш
12. Аудиторлик ҳисоботи, унинг мазмуни ва тузилиши
13. Аудиторлик хулосаси, унинг мазмуни ва тузилиши
14. Аудиторлик фаолиятининг халқаро ва миллий стандартлари
15. Асосий воситалар эскиришининг аудити
16. Асосий воситаларнинг қайта баҳоланишини текшириш
17. Касса бўйича пул маблағларининг аудити
18. Дебиторлик ва кредиторлик қарзларини аудит қилиш
19. Маҳсулот таннархининг аудити
20. Пул маблағлари бўйича ҳисоб регистрларини текшириш тартиби
21. Бюджет билан солиқлар бўйича ҳисоб-китобларнинг аудити
22. Дебиторлик ва кредиторлик қарзларини молиявий ҳисобот
маълумотлари бўйича текшириш
23. Даромадларнинг аудити

- 24.Харажатларнинг аудити**
- 25.Меҳнат ҳақи бўйича ҳисоб-китобларнинг аудити**
- 26.Бухгалтерия баланси моддаларининг аудити**
- 27.Товар операцияларининг аудити**
- 28.Пул маблағларининг аудити**
- 29.Капитал инвестицияларининг аудити**
- 30.Молиявий инвестицияларнинг аудити**
- 31.Хизмат кўрсатиш корхоналари асосий кўрсаткичларининг аудити**
- 32.Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарда аудит ўтказиш**
- 33.Хусусий капитални молиявий ҳисобот бўйича текшириш**
- 34.Якуний молиявий натижаларнинг аудити**
- 35.Молиявий ҳисоботнинг аудити**

**«Аудит» фанидан ёзма ахборотлар (рефератлар) нинг
намунавий режалари**

Мавзу: Аудиторлик фаолиятининг ҳуқуқий асослари

Режа

Кириш

1. Аудиторлик фаолиятининг моҳияти ва вазифалари
2. Аудиторлик фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий асослари
3. Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти
тўғрисида”ги Қонуни ва унинг мазмуни
Хулоса ва таклифлар
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

**Мавзу: Аудиторлик ташкилотлари, уларнинг вазифалари
ва ташкил этилиши**

Режа

Кириш

1. Аудиторлик ташкилотлари, уларнинг турлари ва вазифалари
2. Аудиторлик ташкилотларининг ташкил этилиши
3. Аудиторлик лицензияси, унинг берилиш тартиби
Хулоса ва таклифлар
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Мавзу: Даромадларнинг аудити

Режа

Кириш

1. Даромадлар аудитининг вазифалари ва ахборот манбалари
 2. Асосий фаолиятдан олинган даромадларнинг аудити
 3. Бошқа фаолият турларидан олинган даромадаларнинг аудити
- Хулоса ва таклифлар
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Мавзу: Молиявий инвестицияларнинг аудити

Режа

Кириш

1. Молиявий инвестициялар аудитининг вазифалари ва кетма-кетлиги
 2. Молиявий инвестициялар бўйича жорий ҳисоб маълумотларини текшириш
 3. Молиявий инвестицияларнинг тўғрилигини молиявий ҳисобот бўйича текшириш
- Хулоса ва таклифлар
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Мавзу: Бюджет билан солиқлар бўйича ҳисоб-китобларнинг аудити

Режа

Кириш

- 1 Бюджет билан солиқлар бўйича ҳисоб-китоблар аудитининг вазифалари
 2. Акциз ва қўшилган қиймат солиғининг аудити
 3. Фойда солиғининг аудити
 4. Бошқа турдаги солиқларнинг аудити
- Хулоса ва таклифлар
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

**«АУДИТ» ФАНИ БЎЙИЧА ЁЗМА АХБОРОТ (РЕФЕРАТ)-
НИНГ МУНДАРИЖАСИ**

**(“АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ
АСОСЛАРИ” МАВЗУСИ БЎЙИЧА)**

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш.....	3
1. Аудиторлик фаолиятининг моҳияти ва вазифалари	5
2. Аудиторлик фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий асослари	8
3. Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонуни ва унинг мазмуни	11
Хулоса ва таклифлар.....	14
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	16
Иловалар.....	17

**Ўзма ахборот (реферат) муқовасини расмийлаштиришнинг
намунавий шакли**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

«БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ» КАФЕДРАСИ

«АУДИТ»

**фанидан
«АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ»
мавзусидаги**

Р Е Ф Е Р А Т

Бажарди: _____ **курс** _____ **гуруҳ**
талабаси _____
(талабанинг Ф.И.Ш.)

Илмий раҳбар: _____
(илмий даражаси, унвони)

(фамилияси, исми, шарифи)

САМАРҚАНД – 2010

МУНДАРИЖА

Кириш.....
3

I. «Аудит» фанининг мазмуни, аҳамияти ва талабалар касбий
маҳоратини шаклланишида тутган ўрни.....
.....5

II. «Аудит» фанини ўқитиш шакллари ва технологияси.....
.....6

III. Талабалар мустақил ишларининг мазмуни, вазифалари ва
аҳамияти.....10

IV. Талаба мустақил ишининг ташкилий шакллари.....
.....10

V. «Аудит» фани бўйича мустақил ишларни бажаришнинг услубий
жиҳатлари
11

VI. Талабалар мустақил ишларининг ахборот манбалари.....
.....13

VII. Талаба мустақил ишини назорат қилиш ва баҳолашнинг услубий
асослари.....
13

Тавсия этилган меъёрий ҳужжатлар ва адабиётлар рўйхати...
.....15

Иловалар.....
17

ҲАСАН МУСАЕВ

«АУДИТ»

**ФАНИДАН МУСТАҚИЛ ИШЛАРНИ БАЖАРИШ
БЎЙИЧА**

УСЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР

**Самарқанд шаҳар,
Самарқанд иқтисодиёт
ва сервис институти
босмахонаси
Шохруҳ кўчаси, 60**

**Буюртма №____
Қоғоз бичими: 60/84
Ҳажми 1,5 б.т.**

Адади 50 дона.